

**БАҲОДИР КАРИМ**

**РУҲИЯТ  
АЛИФБОСИ**

Адабий-илмий мақолалар

Faafur Fulom nomidagi нашриёт-матббаа ижодий уйи  
Тошкент – 2018

УЎК: 82-95  
КБК: 83.3(5Ў)  
К 25

Масъул мухаррир:  
**Умарали Норматов**  
*филология фанлари доктори, профессор*

Карим, Баҳодир

Руҳият алифбоси / Б.Карим. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 364 б.

Адабиёт руҳият алифбосидир. Инсон руҳиятини англаш мушкул, машаққатли. Бадиий адабиёт инсон қалбини, руҳиятни тушуниш сари ийл очади...

Ушбу китобга адабиётшунос, мунаққид Баҳодир Каримнинг настрий ва шеърий асарлар таҳлили, адабий танқидчилик ва устоз адабиётшунос олимлар ҳамда адабиётшунослик методлари тўғрисида ёзган мақолалари жамланган. Мақолаларда бадиий ижоднинг кўпгина назарий масалалари дунё адабиётшунослиги мезонлари асосида талқин килинган. Китоб филолог мутахассислар, адабиёт муаллимлари ҳамда бадиий ижодга қизиқадиган адабиёт мухибларига мўлжалланган.

УЎК: 82-95  
КБК: 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-5294-1-0

© Баҳодир Карим  
© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
2018

---

## МУАЛЛИФДАН

Инсон зоти орзу-умидлари, эзгу ниятлари билан тирик. Айниқса, ижод аҳлининг хаёлида кўплаб илмий, адабий, ижодий режалар кезиб юради. Пишиб етилади. Қоғозга тушади. Ўқувчиларга етиб боради. Нимадандир кўнгли тўлса, шукронга айтади; мундайроқ бўлса, очилдастурхон ё кайнархумчадан умидланиб сабр билан йўлида давом этади. Юракдаги сурур, дард, алам, кемтик ва ўқонлар режалар харакатини таъминлайди. Ижодкор сири ёлғиз ўзига аён. Режаланган сарлавҳа, кичкина қайд, хаёлда юрган, аммо охири номаълум кўнгил дардлари қачондир рўёбга чиқиши мумкин. Агар нимадир ёзган ва уни орадан йиллар ўтиб қайта ўқиганида одам завқланса, қисиниб қизармаса, бундан ортиқ соадат йўқ...

Яқин танишлар баъзида бирор адабий мақоламиз матбуотда чиқса, илиқ сўз айтишади. Баъзан матбуотда камроқ кўринганимиз сабабини сўрашади. Шу иккинчи ҳол изоҳида ёзмасликни ҳам машқ қилиб туриш заруратидан гапираман. Бунда бир оз дагишма – ҳазил бўлиши мумкин. Бироқ одам тинимсиз ёзишга ружу кўйганидан, бу йўлда ким-ўзарга пойга ўйнагани ва ёзганларини бетўхтов нашрга беришидан кўра, назаримда, ёзмасликни ҳам машқ қилгани, айниқса, ўз кўнглига ортиқча озор бермагани маъқул. Шунда муҳлислар мамнун бўлади, ўқувчи қочмайди. Чунки саёз асарларда муаллифнинг аъмоли, сўзи, рухи, ўзи, киёфаси йўқолади.

Адабий танқидий мақолалар ҳам чин ҳақиқат йўлидаги изланиш, изтироб, меҳнат, машаққат, илҳом, жазава, эҳтирос ва бошқа кўплар маънавий-рухий омиллар маҳсули. Қаловини топиб ҳақиқатни айтмоқ керак. Ҳақиқат сўзини айта билмаслик сўз ҳақиқатига хиёнат қилиш саналади.

Оригинал фикр айтиш – қийин иш. Фикр аввал үз эгасини ҳайратлантирысинг, завқлантирысинг, үз сохиби юраги-ни титратсын. Шунда бошқаларни гангитади. Айтиладиган, ёзиладиган сўзни донишмандлардан бири копга солинган бигизга ўхшатган экан. Дарддан кутулиш, жароҳатга малҳам босиш, сўздан муҳташам иморат барпо этиш, аслида, чинакам ижод завки шудир. Ҳакикий адабиёт руҳият алифбосидан дарс беради; акл ва туйғулар ўйинидан яралади. Ҳар қандай ижодда чин юракдан ёзиш, ўйлаб ва ўйнаб ёзиш, сўйланиб ёзиш, ўчириб ёзиш, ёзиг ўчириш, энг муҳими, иймон ва виждон билан ҳақиқатни холис ёзиш лозим. Кўрганларидан кўчириб, бирорларнинг иншоларини стилистик тарафдан ўзлаштириб китоб ясаш билан изтиробли ижод, ижод завки ўртасида фарқ бор.

Ижод майдонида Ҳазрати Аюб алайҳиссаломнинг сабри керак одамга. Чунки оригинал асарлардан кўра бу адабий майдонда турли қутқулар ва мишишлар кўп. Ўқувчини ҳар доим санъат асарларининг бетакрор олами, адибларнинг саргузаштлари, таржимаи ҳоли, суврати, маҳалласи, оиласи, севгилиси, касаллиги ёки ўлим-етими қизиқтириб келган. Ижод аҳли маънан тубанлашиб, майдалашган муҳитда бадиий жиҳатдан юксак ва умрбоқий санъат дурдоналарининг пайдо бўлиши қийин. Назаримда, улуғлик, баландлик, орномус, мардлик, виждон, ҳақиқат ва бошқа неки гўзал фазилатлар бўлса, барча-барчаси «ижодкор» сўзига муқобилдир. Ўйлаб қаралса, ўй кўп, режа кўп, фикр кўп. Аммо уларнинг бетакрор баёни ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Вақт ҳам кутиб турмайди. Одамнинг жисмоний имкониятига нисбатан ҳар доим орзулари, режалар қамрови кенг бўлади...

Энг аввало ўзимга тегишли шундай ўй-фикр ва тафтишлар билан ўн йиллар ичida ёзганларимни қайта ўқидим; минг истиҳола билан уларни бир муковага жамладим. Ўқиб баҳо беришни сизларга ҳавола қилдим, муҳтарам ўкувчи!

2015 йил, 25 июль

## *Биринчи фасл*

### **НАСР ҲАҚИДА**

*«Ҳаётни, одамлар руҳиятини, поэтик тафаккур табиати ва, айниқса, санъат қонуниятларини билмай туриб, инсоният учун зарур, фойдали, умрибоқий асарлар ёзиб бўлмайди».*

*«...Бадиий матн маркибидаги биргина шоҳиста сўз бошқа бир одамни, ўзга бир оламни, ажисб бир муҳитни, тоза бир кўнгилни англашга ёрдам беради ва ёки аксинча».*

*«Бадиий асарда инсон вужудига сизмаётган руҳий нўртманалар, тоиқинликни, кўнглида тугилган эзгу ниятларни баён этиши учун имконият кўпроқ бўлади».*

*«Сўз санъати инсон руҳияти билан иши кўтарар экан, руҳиятни амперметр, барометр, ацеллограф, кардиограф, анализатор, аэромагнитометр каби физик асбоб-ускуна билан ўлчаб ҳам, ҳар лаҳзада минг товланадиган инсон руҳиятини аниқ бир математик формулаларга солиб ҳам бўлмайди».*

---

## БАДИЙ ТАЛҚИН ЖОЗИБАСИ

(Ўн йиллик қиссаларга кисқа бир назар)<sup>1</sup>

### I

Кейинги йилларда ёзилган ўзбек қиссаларининг бадиий-эстетик савияси ҳам, мавзу-мундарижаси ҳам, тасвирлаш ва баён этиш усули ҳам ранг-баранг; бири иккинчисини такрорламайди. Албатта, ҳар бир қисса мохиятидаги ютуқ ва ёки нуқсон муаллиф дунёсини, даражасини кўрсатади. Ёзувчилик санъатини нисбатан яхши эгаллаган, сўз масъулиятини, нафосатини ҳис этган ва оқибат тасаввуримизга муҳрланиб қоладиган ойдин манзараларни чизаётган чин санъаткорликка муносаб қиссанависларимиз бор, шукр. Айни пайтда бадиий адабиётни фақатгина эга-кесимли ёзишдангина иборат жараёнга айлантириб қўйган, ижодни оддий тирикчилик фаолияти тарзида тушунадиган ўртамиёна ва ҳатто ундан ҳам паст савияда ёзадиган ёзувчиларимиз ҳам мавжуд, таассуф. Зеро, бу кўш хусусият бадиий адабиётга, умуман, санъат оламига азалдан ҳамроҳ. Паст савияли асар замон синовларидан ўта олмайди; ўқувчисини йўқотади. Юксак санъаткорлик рухияти билан йўғирилган бадиият намуналари эса ҳар доим йиллар, асрлар гирдобидан омон чиқади; ҳар вакт китобхон эътиборини ўзга жалб этади ва умрбокийлик йўлида давом қилаверади...

Кейинги йиллар қиссачилиги борасида фикрлар эканмиз, улар сон-саноқ, ҳажм эътиборидан салмоқли эканини таъкидлаш жоиз бўлади. Аммо мутахассислар назарига тушган, адабиёт гулшанида бадиий кашфиёт рутбасига чиқкан, янгилик илинжида мутолаага шўнфи-

---

<sup>1</sup> Мақолада Мустақилликнинг аввалги ўн йилида ёзилган қиссаларга диккат қаратилган – Б.К.

ган чанқоқ ўқувчи эътирофига муносиб қиссалар, афсуски, кўп эмас. Адабиётимиздаги айни жанр билан боғлиқ мавжуд манзарани тасаввур этмоқ ва умуман ўзига хос кирраларини ойдинлаштирмоқ учун қиссаларнинг аниқ илмий талқини, маълум бир тавсифи лозим.

Бугун анъанавий ёзиш услубидан нисбатан бошқача тарзда юзага келаётган асарларга «модернистик» сифати берилмоқда. Биз ҳам ушбу мақолада ноанъанавий йўлда битилган қиссалар учун шартли равишда шу атамани ишлатармиз, эҳтимол. «Шартли равишда» дейишимизнинг боиси шуки, биз ҳалигача жаҳон адабиётидаги модернизмни, унинг турли-туман ички йўналишларининг адабий-назарий моҳиятини тўла идрок эта олганимизча йўқ. Модернизм дунё адабиётида туғилган ва ўлган оқим, модернизм яшаётган ва яшашга даъвогар, яшашга ҳақли оқим; модернизм ҳам кора, ҳам оқ, ҳам бадбин кайфиятли, ҳам юксак пафосли оқим; модернизм – реализмдир, унда романтик, фантастик, натуралистик, сюрреалистик элементлар мужассам; модернизм – «модерн» сўзининг таржимасига, ҳарфхўрликка кўра «замонавий» адабиёт; модернизм – ўтмиш ва истиқбол; модернизм – ҳамма нарса ва ҳеч нарса; модернизм чекланган ва чексиз имкониятлар майдони... Алҳол, бу тарздаги ўзаро узвий, давомли ва зиддиятли таъриф-тавсифларни айни атамага қўллашда ҳеч файритабиийлик йўқ.

Ўзбек насридаги «модернизм» ноанъанавий ифода услубида, воқеликни янгича бадиий талқин этишда, шунингдек, шаклий ўзгаришларда кўзга ташланади. Инчунун, ўзбек насридаги янгилик ўлароқ талқин қилинаётган майдон ҳам адабиётимиздаги айнан шу бадиий-эстетик ҳодиса билан боғлиқ.

Ижодини «Уруш одамлари» номли анъанавий услубда қисса ёзиш билан бошлаган истеъдодли адабимиз Назар Эшонқул ноанъанавий йўлда «Қора китоб», «Тун панжаралари» деган фикр-мулоҳазага ундейдиган қиссалар ёзди. Бадиий адабиёт борасида бошқачароқ та-

факкур юритаётган адебнинг ўзига хос овози яққол се-зилди. Айниқса, «Қора китоб» қиссасида файласуфона донишмандлик ва руҳий кечинмалар баёни ҳамда бош қаҳрамоннинг ўз-ўзини тафтиш этиши етакчилик қиласади. Қисса биринчи шахс тилидан ёзилган бўлиб, қаҳрамон ўз ҳаётига назар ташлайди, ҳаётининг елга совурилганини, умри бесамар ўтганини англаб қолади. Бир замонлар ўз ҳаёти учун дастур бўлган қора китобдан нафратланади.

Қисса матнида «Инсон ёвузликнинг ижодкори», «Рост гап факат фалокат келтиради», «Умр бу осмонга тупуриш, сўнг осмондан тушган тупугини ютишдир», «Қайси санъаткор адашиб, ўз изтиробига қовирилиб, яратмаса у ҳакикий санъаткор эмас», «Адашаётган одам йўл излаётган одамдир», «Кимнинг қўли қон – у адолат пешвоси, кимнинг ёлғон ва алдов пири – у ростгўйлик тимсоли, ким жаҳолатпарамаст – у донолик рамзи, ким зулмкор ва хўрловчи – у раҳм-шавқат кўзгуси» каби ҳакиқатнинг аччиқ ва кинояли мевалари бўлган ҳикматлар кўп учрайди. «Қора китоб» қиссасини тушуниш ва тушунтириш осон эмас. Унда муаллиф кўринмайди. Жаҳон адабиётида «муаллифнинг йўқолиши» (буни Р.Барт «смерть автора» деб атайди) деган адабий воқелик мавжуд. Эҳтимол, XX аср жаҳон адабиётидаги энг машҳур асарлар айни адабий-эстетик ҳодиса туфайли хилма-хил йўсинда талқин қилинаётгандир. Шунга монанд Назар Эшонқулнинг «Қора китоб» қиссасини ҳам турли нуқтаи назардан таҳлил этиш мумкин. Матн шунга имкон беради. Умуман олганда, раҳмоний китоблардан чекиниб, Чўққи соқол эътиқод кўйган қора китобдек иблисона дастурлар воситасида тарбияланган авлоднинг ҳоли хароб бўлади. Шу маънода «Қора китоб» қиссаси огоҳликка даъват изҳори ҳамдир.

Шодиқул Ҳамроевнинг «Қора кун» («Ёшлиқ» журнали, 1995 йил 5-сон) қиссаси ҳам ноанъанавий услубда ёзилган. Унда қаҳрамонларнинг исми йўқ. Воқеа-ходисалар оқсоқол, жувозкаш, жинни қиз, сомсапаз, қассоб, фолбин хотин, тобуткаш уста, икки нотаниш ўспиринлар

воситасида ҳикоя қилинади. Қисса нисбатан ғайритаби-й ва трагик ҳодисалар баёни асосига қурилган. Масжид олдидаги тобутнинг кутилмаганды йўқолиб қолиши, қа-ергадир ғойиб бўлиши, балким ҳаётдаги реал воқеликка уйғун келмас – аммо мазкур бадиий детал тафаккурни фожеавий, қўрқинчли қора кун сари йўналтиради. «Қора кун»нинг моҳиятида инсон қилган гуноҳлари учун жазо тортади, нопокликнинг оқибати жаҳаннамдир, деган фикр ётади. Зоро, ёзувчи тамонидан Александр Пушкиннинг «Кўнгил жаннат истайди-ю, аммо бўйнимда гуноҳларим кўп-да...» деган гаплари қисса учун эпиграф ўрнида танла-ниш ҳам шундан далолат беради.

Ёзувчи қисса давомида қайта-қайта тобут детали-га қайтади; унинг қаерда йўқолгани-ю ёки ким тарафи-дандир ўғирланганига гўё аниқлик киритмоқчи бўлади. Турли тахминлар берилади. Аммо муҳими булар эмас. Тобут – восита. Тобут воқеалар силсиласи жойлашган чизик. Тобут – барча ҳодисаларни ўзида жамлайдиган, айни пайтда, китобхонни ҳар қадамда сергаклантиради-ган бадиий детал. Тобут – ҳар қандай инсонни охирги абадий маконга элтувчи кўлик-улов. Бироқ воқеалар тас-вири берилган қишлоқда ифлослик, фахш, ноҳақлик, ҳаромдан ҳазар, ҳалолга назар қилмаслик шу даражада авж олганки, гўё тобутга жон кирган ва бундай одамлар лошини қабрга элтишдан бош тортгандек аллақаергadir ғойиб бўлган.

Қиссанинг ичига кирайлик. Қишлоқ оқсоқоли жувоз-кашнинг уйига мой олиш учун боради. Жувозкаш – тоза зифир ёғига пахта ёғини аралаштириб сотадиган алдамчи одам. У оқсоқолнинг хурматини жойига қўйишни хаё-лига ҳам келтирмайди. Ҳақгўй хотинига дағдаға қиласди. Нафс эҳтиёжини қондиришда нопоклик – унинг дастури. Бундай одамлар маскан курган макон устига қора кун келиши табиийдир.

Бошқа бир саҳифани очамиз. Жинни қиз, унинг тоға-си ва янгаси. Қиз шу уйда яшайди, яшайди эмас қон юта-

ди. Янгаси унга қун бермайды, сабаб-бесабаб калтаклайди. Жинни қизнинг молларни далага ҳайдаб чиқиши, табиат кучоғидаги кайфияти қиссада романтик, лирик либосларда берилганки, бу нажиб кайфият уйидаги фожеаларга мувоғиқ келмайды. Энг даҳшатлиси, қишлоқ ахлидан яна бир кишининг жаҳаннамга, қора қисматга, қора кунга лойиқлиги юзага қалқиб чиқади: Тоға оғилхонада ақл-хуши носоз жинни қизни зўрлайди. Жинни қиз тоғасидан хомиладор бўлади...

Сомсапаз билан шогирд ҳалол – покиза одамлар эмас. Улар харом ўлган наввоснинг гўштидан сомса ёпиб сотадилар; шу йўл билан даста-даста пул йиғади...

Қишлоқдаги уста ҳам холис одам эмас. Унинг тили бошқа, дили бошқа. Янги тобут ясатиш учун келган оқсоқолга қараб бир сўзлайди, ичидан бошқача ўйлади...

Ҳатто одамлар учун гўр қазишдек беминнат иш билан машғул гўрковнинг ҳам гуноҳлари кўп, чамаси. Уни ҳам тупроқ босиб қолади; тупроқ «аклбовар қилмайдиган аснода метиндек» қотади.

Қиссада тобут йўқолиши тасвири фонида қишлоқ болаларининг кимлиги, қандайлиги ҳам – аниқроғи, уларнинг қалбида эзгулиқдан нишона йўқлиги кўрсатилади: болалар күшларга азоб беради, тухумларини синдиради, шундан ҳузурланади: «Шу тобда уларнинг кўзларига ҳеч нарса кўринмасди, гўё қонларида мудраб ётган ёвуз ва шавқатсиз бир туйғу бирдан жунбушга келгандек, ҳамма-ҳамма нарсани унугланча қүшларга тухум отишар, ёввойи ва хунук товушда қийқириб-қийқириб кулишар эди». Болалар одамларнинг суякларини, бошчаноқларини ёқиб ўйнайди. Уларда қандайдир ваҳшийлик сифати бор. Зотан, улар ҳам устига бало-қазо «мўру малаҳдай бостириб келаётган» қишлоқ болаларидир.

Поклик, ҳалоллик, эзгулик ва яхшилик ўрнини нопоклик, фаҳш, ҳаромхўрлик ва ваҳшийлик эгаллаган юртнинг айвони вайронадир; одамлари гарансиган; фожеавий воқеалардан ҳайронадир. Уларнинг жазосини Аллоҳ беради.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4586> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4586> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4586>